



## ИЛМИЙ ДИСКУРСНИНГ ДИАЛОГИК ШАКЛДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Очилова Нилуфар Намозовна,  
СамВМИ ўқитувчиси

*Калит сўзлар: дискурс, диалог, билим, илмий тафаккур, мулоқот, баҳс.*

Илмий тафаккур субъектнинг ҳақиқатни англашга йўналтирилган билиш фаолиятидир. Илмий билим ва ҳақиқат объектив мавжуд, лекин уларнинг илмий фактга айланиши субъект билан боғлиқ. Демак, илмий изланишларда объективлик ва субъективлик уйғунлашади. Машхур семиотик айтганидек, “олим учун ўз фикрини маълум қилиш ўткинчи факт сифатида ўз шахсини маълум қилиш муҳимроқдир” (Иванов 1998: 557).

Равшанки, илмий тафаккур диалог хусусиятига эга, зеро, унинг жараёнида фактлар янгича нуқтаи–назардан талқин қилиш, фаразларни шакллантириш имконини берадиган тушунчалар юзага келади. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, мавжуд назарияларнинг ўзгаришига олиб келади.

Илмий тафаккур, худди бадиий тафаккурда бўлгани каби, икки томонлама ҳаракат замирида кечади, яъни тадқиқотчи–олим доимо адресатни назарда тутади, унинг билдириши мумкин бўлган эътиrozлари, изоҳларини инобатга олиб, ҳаёлан мулоқот юритади. Ўқувчи–адресатга нисбатан олинган мўлжал тил сатҳида воқеланади. Чунки, “илмий матн яратилишида нутқ бир томонлама кечмайди, балки муаллиф адресат (майли у умумлашган бўлсин) билан мулоқотга киришади ва натижада ташки кўринишидан монолог шаклидаги нутқ диалог хусусиятини олади” (Кожина 1998:124).

Илмий дискурсда адресат ва унинг идрок қобилияти муҳим роль ўтайди. Адресат матн шаклланишида иштирок этади, унинг идроки метафорик иборалар, такрорлар, турли синтактик қурилмалар қийматини белгилайди.

Антропоцентрик нуқтаи назардан қаралганда илмий матн коммуникатив

ҳаракатлар натижасида ахборот узатиш фаолияти ҳамда маълум бир лисоний – маданий муҳитда бажарилган мулоқотнинг алоҳида кўриниши тавсифини олади. Шу аснода, илмий дискурснинг диалогга хос мундарижасида олимнинг ўз-ўзи билан баҳслашуви акс топади (Бибиер 1969: 167-220).

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, билишнинг ижодий–эвристик босқицида олимлар кўпроқ интуицияга мурожаат қилишса, хуносаларга келиш ва уларни муҳокамага қўйиш муҳитида эса ўз хуносасини ҳеч қандай ҳис – ҳаяжонсиз, унга баҳо бермасдан баён қилишга интилади (Андреев 1981:115).

Шу қабилдаги фикрларни А.Н. Васильевнинг ишида ҳам учратамиз. Чунончи, олима рус тили стилистикасига бағишлиланган маърузалар тўпламида “эмоционал унсурлардан қочиш илмий услубнинг қонуниятидир”, “илмий фаолиятнинг коммуникатив босқицида ижодий тафаккур психологик кўринишдан объективликка кўчади ва эндиликда муаллиф ўз асарига четдан туриб назар ташлашга мажбур” каби (Васильева 1976:17) ноўрин қайдларни ўқимиз.

Юқорида келтирилган фикрлар бизни қониқтираслиги аниқ. Биринчидан, уларда инсон, яъни муаллиф омили умуман эътиборга олинмаяпти. Иккинчидан эса, мантиқийлик ва объективлик кўрсаткичларини руҳий, психологик омиллардан, идрок муҳити таъсиридан ажратиб ташлашнинг имкони йўқ. Яқинда ўзбек тилшуноси Д. Худойберганова уқтирганидек, “Когнитив нуқтаи назарга кўра матн–ментал тузилманинг тилга трансформацияси бўлиб, бутундан қисмга қараб ҳаракатланувчи яхлит тузилманинг вербал кўринишидир. Когнитив ёндашув матн



ташқаридаги воқелик тамойилида таҳлил қилишни тақозо этади” (Худойберганова 2013:119).

Тилнинг коммуникатив вазифаси ифодаланаётган мазмунга сўзловчининг муносабатини ҳам қамраб олишини инобатга олган ҳолда айтиш жоизки, илмий баён услубини фақат объективлик билан чегаралаб қўйиш нотўғри ёндашувдир. Илмий асар муаллифининг адресатга мурожаати, опонентлар билан баҳси, ўзининг ўзлиги билан ҳаёлий мулоқот кабилар илмий тафаккур ва дискурсга экспрессивлик руҳини беради. Илмий матн диалогик хусусияти уч хил йўналишда тавсифланиши лозим: 1) экстравангвистик омил сифатида, яъни ихтилофчилар, баҳс тарафдорлари билан очиқ мулоқот асосида фан соҳасига хисса қўшиш; 2) тафаккур бирлиги сифатида – илмий нутқнинг билиш ва ижодий фаолият билан алоқасини таъминлаш; 3) тил коммуникатив вазифасининг матнда воқеланишини акс эттирувчи лисоний факт.

Ҳақиқатдан ҳам коммуникация олимнинг фикри ифодаси билан бир қаторда, унинг келтирилаётган фактларга нисбатан баҳо ва эмоционал муносабатини ҳам акс эттиради. Ўз замонасининг таникли файласуф–тилшуносларидан бўлган Г.В. Колшанскийнинг таъбирича, “тил бирликларининг мантиқий ва эмоционал яхлитлиги уларнинг коммуникатив вазифа ижорасидаги ҳамжиҳатлигини таъминлади” (Колшанский 1969:64). Шу боис, М.Н. Кожинага эргашган ҳолда, маълум соҳадаги мулоқотнинг самарасига асос бўладиган ҳамда жонли ифода манбаси хизматини ўтайдиган экспрессивликни илмий дискурснинг муҳим омиллари қаторига киритиш лозим (Кожина 1998:194).

Илмий матннинг диалоглиги кўп қиррали ҳодисадир ва у муаллиф ва адресат ўртасидаги диалог билан якунланмайди. Боз устига, адресат тушунчасининг ўзи ҳам кўп маъноли, унинг кўлланишида фақат илмий матн ўқувчисини тушуниш етарли эмас.

М.М.Бахтин ва В.С.Библер қабилар ўз пайтида таъкидлаганлариdek, замонавий илмда онг, ақлу фаҳм диалоги устувор. Бир томондан фан соҳаларига оид адабиётнинг биссёрлиги, вақтнинг эса чегараланганлиги олимларни матнга аниқ маълумот, фактларни излаш мақсадида мурожаат қилишга ундаса, иккинчи томондан, фанлар интеграцияси кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Оқибатда, диалогли тафаккур илмий тадқиқот билан шуғулланувчиларнинг асосий интеллектуал қуоролига айланмоқда. “Илм, - В.С. Библернинг таърифича, - маданий ҳодиса сифатида, турли илмий парадигмаларнинг ўзаро тўқнашуви, бир – бирига таъсири, хурфиксрлиги кўламида англанилиши ва ривожлантирилиши керак” (Библер 1991:285). Айнан воқеликни тушунишнинг турли шакллари алоқаси хусусийликдан бошланган илмнинг умумийлик сари қадам қўйишига шароит туғдиради (қаранг: Сафаров 2015: 142).

Қайд этиш жоизки, илмий мулоқот иштирокчиларини оддий тарзда ахборот алмаштираётган шахслар сифатида ҳаракат қилаётган коммуникантлар тимсолида кўрганимиз маъқул. Илмий матнлар воситасидаги мулоқот доимо мулоқотдошларнинг ҳамкорлик фаолияти доирасида кечади. Айнан шу ҳамкорлик коммуникация самарасини белгиловчи шароитни яратади. Мазкур шароитларни Т.В. Радзиевская қўйидагича тавсифлайди: 1) матннинг барча иштирокчилари бир хил pragmatik белгига эга бўлган гурухга мўлжалланиши; 2) коммуникация иштирокчилари ўртасида мулоқот анъанасининг мавжудлиги; 3) мулоқот бошланишидан коммуникатив алоқа каналининг мавжудлиги; 4) олам манзараси ҳақидаги тасаввурнинг мос келиши ва ҳоказо (Радзиевская 1990: 61).

Адресат мўлжали ҳар қандай турдаги коммуникациянинг муҳим тамойили эканлигини кўплаб тадқиқчилар қайд этишган (Арутюнова 1981:358; Славгородская 1986:123; Ашуррова 1991:62).



Илмий дискурсда муаллиф тингловчи–ўқувчини тафаккур юритишга ундаиди, унинг идрокини измга солиши, ўз фикрига ишонтириш ва узатилаётган ахборотни унинг билим заҳирасига жойлаштириш мўлжалини кўзламайди. Шунингдек, адресатнинг бўлажак амалий фаолиятига таъсир ўтказиш режаси ҳам мавжуд бўлади. Илмий мулоқотнинг кўпинча билвосита, яъни ёзма матн орқали кечиши муаллифнинг ролини оширади, фаолликнинг ўсиши эса, сўзсиз, лисоний воситалар танловига таъсир ўтказади. Муаллиф ифода воситаларини эҳтиёткорона ва диққат билан танлайди. Илмий матн адресати ролини ўтаетган олим ҳам муаллиф мўлжали амалга ошишига ҳамкор, чунки ўзи қизиқадиган мавзу борасидаги янгиликларни ўзлаштиришга интиқ ва муаллиф билан мулоқотга киришишга ҳамда унинг фикрини билишга тайёр. Адресантнинг кўрсатилган хусусиятларга эга бўлиши илмий матннинг фарқли жиҳатларидан биридир.

Унутмайликки, муаллиф ва адресат мулоқоти бевосита кечадиган жараён бўлмасдан, балки илмий мақола, монография ва бошқа кўринишдаги воситалар орқали амалга ошади. Ушбу турдаги мулоқотни амалга ошириш учун аник коммуникатив мўлжални олиш мухимдир. В.С.Библер ёзганидек, “муаллиф хаёлан бўлғуси ўқувчини тассавур қиласи, ўқувчи, ўз навбатида, бошқа хонага ўтиб кетган асар

муаллифини излаб топишга ҳаракат қиласи” (Библер 1991: 296).

Биз илмий дискурсда билиш мақсадидаги диалог содир бўлиши ҳақидаги фикрга қўшиламиз. Мазкур турдаги диалог расмий, норасмий кўринишда бўлиши билан бир қаторда, илмий баҳс мундарижасига ҳам эгадир (Славгородская 1986:90-100).

Норасмий билиш диалоги соф ҳолда кам учрайди. У кўпроқ ягона муаммо устида ишлаётган мутахассисларнинг ўзаро мулоқотида содир бўлади. Расмий диалогнинг олдингисидан фарқи шундаки, унда дастлабки мулоҳаза фаразлардан иборат эмас, аксинча, тадқиқотнинг тайёр натижа–хуласалари муҳокамага қўйилади.

Илмий диалогнинг алоҳида тури сифатида қараладиган илмий баҳс қатнашчилари умумий бир матн яратишдан кўра олдиндан яратилган матннаги хуласаларни “текширув” муҳокамасидан ўтказишга интиладилар. Ушбу шаклдаги илмий диалог якунида баҳс иштирокчилари нуқтаи назари, фикрларидағи номуқобиллик, фарқ аниқланади. Е.В. Михайлова ишонтиришича, “... муаммовий илмий баҳсда кўпинча томонларнинг ҳеч бири ўзини енгилган деб ҳисобламайди, аксинча, ғалаба “учинчи томон”, яъни умумий илмий жамоа улушкига айланади. Ушбу баҳснинг бетараф кузатувчиси диалог контексти ва унинг таркибий қисмлари мазмунидан фойдаланган ҳолда ахборотни тўлиқ эгаллаши мумкин” (Чернявская 2005: 71).

## Адабиётлар

1. Андреев А.Н. Художественный образ и гносеологическая специфика искусства. – М.: Наука, 1981. – 191 с.
2. Арутюнова Н.Д. Фактор адресата // Известия АН СССР. Серия: Литература и язык. – М.: Наука, 1981. Т.40. № 4. – С.256-367.
3. Ашуррова Д.У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка. – Т.: Фан, 1991. – 98 с.
4. Библер В.С. От наукоучения к логике культуры. Два философских введения в XXI век. – М.: Наука, 1991. – 413 с.
5. Библер В.С. Творческое мышление как предмет логики // Научное творчество. – М.: Политиздат, 1969. – С. 167-220.



6. Васильева А.Н. Курс лекций по стилистике русского языка. Научный стиль. – М.: Русский язык, 1976. – 238 с.
7. Васильева А.Н. О целостном комплексе стилемоопределяющих факторов на уровне макростилей// Функциональная стилистика: теория стилей и их языковая реализация. – Пермь: Изд-во Перм. У-та, 1986. – М.: 1969. 140-168.
8. Иванов В.В. Избранные труды по семиотике и истории культуры. Т.1. – М.: Искусство, 1998.
9. Кожина М.Н. Диалогичность как категориальный признак письменного научного текста// Стилистика научного текста (общие параметры). – Пермь: Изд-во Прем. у-та, 1998. – ч.2. – С. 124-195.
10. Колшанский Г.В. Лингвистические основы анализа языкового стиля// Проблемы лингвистической стилистики. – М.: - С. 55-69.
11. Радзиевская Т.В. Прагматические противоречия при текстообразовании // Логический анализ языка. Противоречивость и аномальность текста. – М.: Наука, 1990. – С. 148-162.
12. Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. – Т.: Баёз, 2015. – 376 б.
13. Славгородская Л.В. Научный диалог (лингвистические проблемы). – Л.: Наука, 1986.
14. Худойберганова Д. Матнинг антропоцентрик тадқики. – Т.: Фан, 2013. – 135 б.

**Ochilova N. Representation of scientific discourse in dialogic format.** The article studies dialogic indexes of scientific discourse and problems connected with its processing in interactive way. This type of discourse as well as other ways of interactive activity lasts during dialogic communication due to aim of influencing on listener. Dialogic format is one of the effective ways of reaching communicative aim.

**Очилова Н. Репрезентация научного дискурса в диалогической форме.** В статье изучаются вопросы, касающиеся диалогичности научного дискурса. Данный вид дискурса, как и другие формы интерактивной деятельности, протекает в режиме диалогического общения согласно целе воздействия на адресат. Диалогичность является одним из эффективных средств достижения коммуникативной цели.